

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 5 сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

### ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиғи фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д. проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д., проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** *Н.Юсунов, Г.Акмалжонова*

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатиغا киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўнлам сифатида чоп этишига рухсат этилган (Баённома № 5). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**



177.

11. Шапиро А.Б. Русский язык. Учебник по грамматике, правописанию и развитию техники речи. М., 1987, с. 9.

12. Шабанов А.Ш. Содержание и принципы построения программы по русскому языку для национальных групп вузов. М., 1973, с. 4.

13. Современный русский язык. Морфология. Учебное пособие для -студентов факультета русского языка и литературы в национальной школе. общей редакцией академика АПН СССР В. В. Решетова. Ташкент, «Укитувчи», 1976.

#### **ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПЕРИФРАЗЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

Кобилова Азиза Бахриддиновна, Бухоро давлат университети тадқиқотчиси

[aziza.kobilova2101@gmail.com](mailto:aziza.kobilova2101@gmail.com)

+998907180031

*Аннотация:* Мақола перифраза ва унинг таснифини ўрганишга қаратилган. Мақолада образли перифразалар, ҳамда мантиқий перифразалар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада перифразанинг номинатив ва тавсифловчи вазибаларига ҳам этибор қаратилган.

*Калит сўзлар:* перифраза, тилшунослик, стилистика, образли перифразалар, мантиқий перифразалар, оригинал перифразалар, анъанавий перифразалар.

#### **CLASSIFICATION OF PERIPHRASES IN ENGLISH AND UZBEK**

Kobilova Aziza Bakhriddinova, researcher of Bukhara State University

[aziza.kobilova2101@gmail.com](mailto:aziza.kobilova2101@gmail.com)

+998907180031

*Annotation:* The article is devoted to the study of periphrases and its classification. The article analyzes both figurative and logical periphrases. The article also discusses the nominative and descriptive functions of periphrases.

*Keywords:* periphrasis, linguistics, stylistics, figurative periphrases, logical periphrases, original periphrases, traditional periphrases.

#### **КЛАССИФИКАЦИЯ ПЕРИФРАЗ НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

Кобилова Азиза Бахриддиновна, соискатель Бухарского государственного университета

[aziza.kobilova2101@gmail.com](mailto:aziza.kobilova2101@gmail.com)

+998907180031

*Аннотация:* Статья посвящена изучению перифраз и его классификации. В статье анализируются как образные, так и логические перифразы. В статье также рассматриваются номинативные и описательные функции перифраз.

*Ключевые слова:* перифраза, лингвистика, стилистика, образные перифразы, логические перифразы, оригинальные перифразы, традиционные перифразы.

**Кириш.** Турли соҳаларга оид тадқиқотларда, жумладан, тилшунослик ва адабиётшуносликка оид илмий манбаларда перифразага берилган таърифлар турлича эканлигига гувоҳ бўламиз. Бунда, айниқса, мавзу атрибуцияси нуқтани назардан



сезиларли фарқлар мавжудлиги кўзга ташланади. Тилшуносликка оид манбаларда перифразанинг "иборалар" ёки "сўз бирикмалари" деган таърифлари жуда ҳам кўп учрайди. Бундай таърифлар перифразанинг лингвистик ҳодиса сифатида намоён бўлишини характерлайди ҳамда тасвирий ифодаларнинг тил бирликлари – ибора ва гап билан ўзаро муносабатини кўриш имконини беради.

Илмий манбаларда перифраза стилистик курилма, нутқ шакли ёки метафора сифатида изоҳланади. Бу таърифларнинг барчаси перифразанинг ифода воситаси сифатида баҳоланишидан далолат беради [3, 8162].

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Перифразанинг кўплаб таснифлари мавжуд. Тилшуносликда барчага маълум бўлиб улгурган тасниф асосий тасниф дея баҳоланади. Кўпчилик тилшунослар асосий таснифни тан оладилар, баъзан бош таснифга ўзлари ҳам қатор перифраза турларини қўшадилар.

Асосий таснифга кўра перифразалар куйидагиларга бўлинади:

**1. Образли перифразалар.** Бундай ифодаларда образли тасвир бирламчи ўринда туради. Образли перифразалар, одатда, метафорага асосланган бўлади. Мисол тариқасида ўзбек тилида: *оқ олтин – пахта, яшил бойлик – ўрмон*; инглиз тилида эса: *back foolish tears – yolg'on ko'z yoshlar* (алдаш); *back to your native spring – bahorning qaytishi* (ёшариш) каби.

Тадқиқотчи олим И.Умиров перифразаларнинг вужудга келишида фақатгина шакл ўхшашлиги эмас, балки ранг ва муайян белги, хусусият ўхшашлиги етакчилик қилишини эътироф этади. Метафорик перифразаларга *the sky-lamp of the night (moon)* (таржимаси: *тундаги осмон-чироқ(ой)*)ни келтириш мумкин. Ушбу мисолда перифраза асосида метафора туради.

Образли перифразалар метонимия асосида ҳам юзага келиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *Ўзбек романчилигининг асосчиси* – Абдулла Қодирий, инглиз тилида *the gentlemen of the long robe (judge)* – узун кўйлакли жаноб (судья; прокурор)ни келтириш мумкин, бу ўринда перифраза асосида тушунчалар фарқи эмас, балки уларнинг муносабати ётади.

**2. Мантиқий перифраза.** *"Mr. Du Pont was dressed in the conventional disguise with which Brooks Brothers cover the shame of American millionaires"* (М.Ст.) ("*Жаноб Ду Понт одатдаги ниқобини кийиб олган, бу билан Брук Бротер америкалик миллионерларнинг шармандалигини яширмоқда*") мисолида перифразанинг ўрнини босувчи синонимик иборалар қўлланган. Жумладан, *"the suit"* (костюм) ўрнида *"The conventional disguise"* (одатдаги ниқоб) ва *"the paunch (the belly)"* (танаффус (корин)) ўрнида *"the shame of American millionaires"* (америкалик миллионерларнинг шармандалиги) бирликлари қўлланган. (Демак, асл мазмунига кўра, Ду Понт деган жаноб қоматини бузиб турган (ярашмаган) коринни костюми билан яширмоқда.)

Перифразаларнинг бошқа таснифлари ҳам мавжуд, масалан, Гальперин уларни куйидагиларга ажратади:

**1. Оригинал перифраза,** яъни ёзувчи муаллиф томонидан ихтиро қилинган перифраза. Масалан,

*Сен ҳам бироз кечикибсан, кўкнинг фонуси...*(М.Шайхзода "*Мирзо Улугбек*"). Ушбу ўринда *кўкнинг фонуси* дейилганда муаллиф томонидан *ой* назарда тутилган бўлиб, бу ўз ўрнида муаллиф томонидан яратилган тасвирий ифодадир. Табиийки, бундай хусусият



инглиз тилида ҳам мавжуд. Жумладан, "...as it were, between the heavens and the earth; the stranger's figure had neither moved nor given the smallest evidence of hostility" (F.Cooper. The Prairie. Onlineliterature.com) ("...zўё само билан ер оралигида нотаниш одамнинг қиёфаси ҳам йўқ эди, зеро, душманликнинг энг кичик далили ҳам келтирилмади"). Мазкур жумлада *not given the smallest evidence of hostility* дейилганда қимирламади ёки ноҳўя ҳаракат қилмади деган мазмун назарда тутилганки, бунда муаллиф томонидан яратилган перифраза гап мазмунини образли ифодалашга хизмат қила олган.

**2. Анъанавий перифраза**, яъни изоҳловчи матн талаб қилинмайдиган, маънони очиб бериш учун тегишли контекстсиз тушунарли бўлган тасвирий ифодалар назарда тутилмоқда. Бундай перифразаларга мисол қилиб *cap and gown* (таржимаси: қалпоқ ва халат – талабага нисбатан), *a gentleman of the long robe* (таржимаси: узун халатли жаноб – ҳуқуқшуносга нисбатан), *my better half* (таржимаси: менинг энг яхши ярмим (жуфти халол) аёли назарда тутилган ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу анъанавий перифразалар кавс ичидаги тегишли сўзларнинг синонимлари ҳисобланади.

Публицистик матнларда перифразалар хилма-хил функцияларни бажаради. Қўйида номинация объектига, унинг субъектига, шунингдек, бошқа лингвистик ва нутқ ҳодисаларига (номинация шакллари, нутқ, тил ва нутқ услубларининг хусусиятларига) нисбатан тасвирий ифодаларнинг ўзига хос хусусиятлари хусусида мулоҳаза юритамиз. Перифразанинг асосий ва қўшимча функциялари мавжуд бўлиб, асосий функциялар перифразанинг узвий функциялари ҳисобланади. Қўшимча функциялар эса асосий функцияларга боғлиқ ҳолда юзага келади [1, 161].

Қатор адабиётларда перифразанинг асосий функциялари сифатида номинатив ва тавсифловчи вазифалари эътироф этилади.

**1.Перифразанинг номинатив вазифаси.** Перифраза воқелик, объект, предмет ва ҳодисалар ҳақида образли маълумот беришини биламиз. Ушбу функцияда перифраза сўзга нисбатан иккинчи даражали ҳисобланади. Боиси, у доимо ўз номига эга объектларни қайта номлайди. Перифразанинг воқелик объектларини аташ хусусияти бир томондан, унинг муҳим хусусияти (перифраза объектнинг номинацияси ҳисобланади) ва, бошқа томондан, перифразанинг номинацияси сўзнинг номинациясига боғлиқ, яъни перифраза– такрорий номинация ҳисобланади [4, 2]. Мисол тариқасида *сув* сўзини олайлик. 1. Сув – химиявий нуқтаи назардан олиб қаралганда водород билан кислороднинг кимёвий бирикмасидан иборат рангсиз, ҳидсиз шаффоф суюқлик; табиатда муз ва буг холида ҳам учрайди. *Қор суви. Денгиз суви.*

2. Шундай суюқлик ичимлик сифатида. *Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқдир. "Фан ва турмуш" [5, 576].*

Юқорида таъкидланганидек, сув – ичимликни англатувчи суюқ жисмнинг номи, номинацияси. Биз кундалик ҳаётимизда *ҳаёт манбаи* бирикмасига кўп бора дуч келамиз, ҳатто ўзимиз ҳам тез-тез қўлаймиз. *Ҳаёт манбаи* деганда *сув* назарда тутилиши ҳам ҳеч биримизга сир эмас. Ушбу ўринда *ҳаёт манбаи* (перифраза) *суви* қайта номлаб келган, яъни такрорий номинация сифатида воқеланган. Худди шунингдек, инглиз тилидаги *"The habit of saluting the dawn with a bend of the elbow was a hangover from college fraternity days"* (таржимаси: *"Do'stlar bilan mast holda tongni kutib olish odati kollejda birodarlik davridan boshlangan"*) биродарлик даври бирлиги ҳам *дўстлашиши* маъносини ифодалаган.



**2. Перифразанинг тавсифловчи вазифаси.** Перифраза номинация объекти ва субъектининг тавсифи ҳисобланади. У бирор ибора ёки гапни ифодалаб объектни тасвирлайди, тавсифлайди, унинг у ёки бу томонини кўрсатади. Бу функция перифраза номинацияни оғзаки нутқдан ажратиб туради, чунки сўзнинг ички шакли кўпинча ўчирилади ва номинациянинг асоси бўлган атрибут унутилади.

Перифраза нафақат объект ҳақида, балки номинация субъекти ҳақида ҳам маълумот бериши мумкин. Перифразали номинация кўпинча муаллифнинг кизиқишлари ва иштиёқи ҳақида маълумот беради. Шундай қилиб, перифраза номнинг асоси бўлган хусусият объектининг асосий фарқловчи хусусияти ҳар доим ҳам объектив эмас. Кўпинча, бу хусусият ёки белги, муаллиф томонидан субъектив равишда муҳим деб қабул қилинади. Шу маънода перифраза объектларни, юзларни ва ҳаракатларни муаллифнинг кўзи билан кўриш имконини беради [2, 150].

Бу функция, перифразанинг энг кўп қўлланиладиган характерли функциясидир. Тасвирланаётган ҳодиса ёки воқеалик объектининг қўшимча характеристикаси маъносида перифраза маълум даражада эпитетга тенглаштирилиши мумкин.

**3. Перифразанинг ҳиссий баҳолаш вазифаси.** Перифраза, тавсифий номинация сифатида фақат номинация объектини таърифлабгина қолмай, балки муаллифнинг унга бўлган ҳиссий ва баҳоловчи муносабатини ҳам ифодалай олади. Бундан ташқари, перифразавий иборанинг ўзи баҳовий ҳисобланади: перифраза ёрдамида, муаллиф махсус тарзда номзод объектни таъкидлайди, яъни перифразаланаётган объект нафақат қайта номланади, балки муаллиф нуқтаи назаридан баҳоланадиги, бунда муаллиф умумистеъмолдаги перифразалардан фойдаланиши ҳам ёки ўзининг нутқий (хусусий) тасвирий ифодасини қўллаши ҳам мумкин бўлади. Бундан ташқари, ноаниқ ном сифатида перифраза муаллиф баҳосини (перифраза компонентларининг лексик кийматлари орқали) бевосита ифодалаш учун кенг имкониятлар яратади.

Грехневанинг фикрига кўра, перифразанинг ҳиссий баҳолаш функциясининг кичик тури сатирик функция ҳисобланади. У бадий жихатдан илҳомланганида, эстетик жихатдан асосланганда, гоёни чинакамига тўлдирганда, унга санъаткор ижросига керакли тус қўшганида ва тасвирланаётган предметга шахсий субъектив муносабатни очиқ берганидагина қўлланилиши мумкин [2, 150].

**4. Перифразанинг бойитувчи вазифаси.** Бир объект учун турли хил перифрастик номинацияларнинг мавжудлиги нутқни бойитади, уни қўрқинтиради, қилади. Қолаверса, тасвирий ифодаларнинг бир объект учун бир нечта ифода қилиниши нутқнинг бой ва жозибали бўлишидан далолатдир. Масалан, *математика* каби ақл чархи, ақл гимнастикаси, *фанлар шоҳи* каби перифразаларнинг қўлланиши енгил ўзбек мумтоз шоири Алишер Навоийга нисбатан *шоирлар шоири*, *газал мулкининг султони*, *ўзбек халқининг фаҳри*, *ўзбек адабий тилининг асосчиси* каби ўнлаб перифразаларнинг ишлатилиши; инглиз тилидаги *hasty hat* (шошқалоқ шляпа – палапартиш маъносида), *The Rape of the Lock* (жингалакни ўгирлаш – сайр маъносида), *when that fell* (қачон қулади – ҳибсга олинди маъносида) қабилар ҳам шулар жумласидандир.

**5. Перифразанинг ифода вазифаси.** Тасвирий ифода нутқ ифодалилигини яратиш воситаси бўлиб, бир томондан, нутқ хилма-хиллиги туфайли, иккинчи томондан, перифрастик номларнинг образлилиги туфайли юзага келади. Уларнинг аксарияти тропларга асосланган бўлади.



**2. Перифразанинг тавсифловчи вазифаси.** Перифраза номинация объекти ва субъектининг тавсифи ҳисобланади. У бирор ибора ёки гапни ифодалаб объектни тасвирлайди, тавсифлайди, унинг у ёки бу томонини кўрсатади. Бу функция перифраза номинацияни оғзаки нутқдан ажратиб туради, чунки сўзнинг ички шакли кўпинча ўчирилади ва номинациянинг асоси бўлган атрибут унутилади.

Перифраза нафақат объект ҳақида, балки номинация субъекти ҳақида ҳам маълумот бериши мумкин. Перифразали номинация кўпинча муаллифнинг қизиқишлари ва иштиёқи ҳақида маълумот беради. Шундай қилиб, перифраза номнинг асоси бўлган хусусият объектнинг асосий фарқловчи хусусияти ҳар доим ҳам объектив эмас. Кўпинча, бу хусусият ёки белги, муаллиф томонидан субъектив равишда муҳим деб қабул қилинади. Шу маънода перифраза объектларни, юзларни ва ҳаракатларни муаллифнинг кўзи билан кўриш имконини беради [2, 150].

Бу функция, перифразанинг энг кўп қўлланиладиган характерли функциясидир. Тасвирланаётган ҳодиса ёки воқелик объектнинг қўшимча характеристикаси маъносида перифраза маълум даражада эпипетга тенглаштирилиши мумкин.

**3. Перифразанинг ҳиссий баҳолаш вазифаси.** Перифраза, тавсифий номинация сифатида фақат номинация объектни таърифлабгина қолмай, балки муаллифнинг унга бўлган ҳиссий ва баҳоловчи муносабатини ҳам ифодалай олади. Бундан ташқари, перифразавий иборанинг ўзи баҳовий ҳисобланади: перифраза ёрдамида, муаллиф махсус тарзда номзод объектни таъкидлайди, яъни перифразаланаётган объект нафақат қайта номланади, балки муаллиф нуқтаи назаридан баҳоланадики, бунда муаллиф умумистеъмолдаги перифразалардан фойдаланиши ҳам ёки ўзининг нутқий (хусусий) тасвирий ифодасини қўллаши ҳам мумкин бўлади. Бундан ташқари, ноаниқ ном сифатида перифраза муаллиф баҳосини (перифраза компонентларининг лексик қийматлари орқали) бевосита ифодалаш учун кенг имкониятлар яратади.

Грехневанинг фикрига кўра, перифразанинг ҳиссий баҳолаш функциясининг кичик тури сатирик функция ҳисобланади. У бадий жиҳатдан илҳомланганида, эстетик жиҳатдан асосланганда, гоёни чинакамига тўлдирганда, унга санъаткор ижросига керакли тус қўшганида ва тасвирланаётган предметга шахсий субъектив муносабатни очиб берганидагина қўлланилиши мумкин [2, 150].

**4. Перифразанинг бойитувчи вазифаси.** Бир объект учун турли хил лексик ва перифрастик номинацияларнинг мавжудлиги нутқни бойитади, уни кўп маъноли қилади. Қолаверса, тасвирий ифодаларнинг бир объект учун бир нечта бўлиши ҳам нутқнинг бой ва жозибали бўлишидан далолатдир. Масалан, *математикага* нисбатан *ақл чархи*, *ақл гимнастикаси*, *фанлар шоҳи* каби перифразаларнинг қўлланиши ёки ўзбек мумтоз шоири Алишер Навоийга нисбатан *шоирлар шоири*, *газал мулкининг султони*, *ўзбек халқининг фахри*, *ўзбек адабий тилининг асосчиси* каби ўнлаб перифразаларнинг ишлатилиши; инглиз тилидаги *hasty hat* (шошқалоқ шляпа – палапартиш маъносида), *The Rape of the Lock* (жингалакни ўгирлаш – сайр маъносида), *when that fell* (қачон қулади – хибсга олинди маъносида) кабилар ҳам шулар жумласидандир.

**5. Перифразанинг ифода вазифаси.** Тасвирий ифода нутқ ифодалилигини яратиш воситаси бўлиб, бир томондан, нутқ хилма-хиллиги туфайли, иккинчи томондан, перифрастик номларнинг образлилиги туфайли юзага келади. Уларнинг аксарияти тропларга асосланган бўлади.



6. **Перифразанинг алмашинувчи вазифаси.** Тасвирий ифода асосий номнинг ўрнини босадиган огзаки ифода саналади. Айрим сўзларни қўллашда диний ёки ахлоқий таъқиқ мавжуд бўлганда, мана шундай қўлланилиши таъқиқланган бирликлар ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, ўзбек урф-одатига кўра аёл киши ўзидан катталарга ёки бошқаларга турмуш ўртоғи ҳақида гапираётганда уни тўғридан-тўғри *эрим* деб атамайди, унинг ўрнида *у киши, болаларнинг отаси, оила бошилигимиз* каби перифрастик бирликларни қўллайди.

7. **Перифразанинг услуб-шакллантирувчи вазифаси.** Перифраза функциясининг турли хусусиятлари уни услубни шакллантирувчи элемент, нутқ белгиси, тилнинг функционал услублари ва турли хил нутқ услублари, жумладан, шахсий муаллифлик услублари сифатида фойдаланишга имкон беради. Газета матнларида бир неча асрлар давомида ишлатилган перифраза бадий услубнинг, айниқса, шеърий шаклнинг кўзга кўринган унсурларидан бирига айланди. Перифразанинг публицистик услубнинг турли жанрларида фаол қўлланилиши уни шу функционал услубнинг нутқий хусусиятларидан бири деб ҳисоблашга имкон беради.

8. **Перифразанинг урғулантирувчи вазифаси.** Перифразанинг вазифаларидан яна бири нутққа кўтаринкилик, тантанавор ҳис бериш вазифасидир. Бироқ перифразани исталган ўринда жимжимадор қилиб қўллаш ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Жумладан, Гальпериннинг қайд этишича, XVIII асрнинг Делилл ва бошқа француз ёзувчилари услубига хос бўлган бу техниканинг кундалик ҳаёт ходисаларига нисбатан ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши перифразанинг ноўрин, бадий жихатдан номутаносиб қўлланилишига, кўп ёзувчиларнинг салбий муносабатига сабаб бўлган [1, 162].

**ХУЛОСА.** Хуллас, перифраза стилистик қурилма, нутқ шакли ёки метафора сифатида изоҳланади. Перифразалар тилнинг номлаш эҳтиёжи маҳсули эмас, балки ифода эҳтиёжи маҳсули бўлиб, у ўз денотатига эга бўлган предмет-ходисани қайта номлайдики, мазкур хусусият ҳар иккала тилдадаги перифразаларнинг нутқий қўлланилиш қўламини кенгайтиради ва нутқ ҳам ҳамиша перифрастик бирликларга эҳтиёжманд бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – М.: Литературы на иностранных языках, 1958.– стр.161.
2. Грехнева Г.М. Литературное чтение. –М.: ДРОФА; 2001.–С.150.
3. Kobilova A.B. Features of the use of the periphrases of the Uzbek and English languages in journalistic texts. International journal of Psychological Rehabilitation, Vol.24, Issue 07, 2020. – Pag. 8162-8168. <https://www.psychosocial.com/article/PR270794/18979/>
4. Kobilova Aziza. The main classification of periphrases of English language. Collection of the material of the international online conference: Actual problems and solutions of modern philology. Uzbekistan, December, 7<sup>th</sup> 2020. <http://journals.e-science.uz/index.php/conferences/article/view/223>
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. 3-жилд. –Т.: ЎзМЭ, 2007. – Б. 576 .





59	<b>Америка адабиётида Фолкнер ижодининг ўрни</b> Жумаева Н .....	294
60	<b>Tilshunoslikda iboralar, maqollar, idiomaning farqlari va o'xshashliklari</b> Xatamova Z. G, ' Oripova K.E .....	299
61	<b>Mark Tvenning "Tom Soyer sarguzashtlari" asarida ijtimoiy hayot tasvirlanishini</b> Nematova N.A .....	302
62	<b>Романтизмда табиат (Жейн Остин асарлари мисолида)</b> Мусаева Д.Т .....	307
63	<b>Expression of emotions by modal means</b> Muxammadieva N .....	311
64	<b>Градуонимик қатор ҳосил қилиш тамойиллари</b> Отабоева М.Р .....	317
65	<b>Realization of conceptual information within the language units <i>force, power, strength</i> in the english language</b> Ismatova N.M .....	322
66	<b>Ўзбек драматик асарларидаги айрим мурожаат шакллари лингвокултурологик хусусиятларига доир</b> Искандарова Ш.М, Икромов Г.А .....	327
67	<b>Yetuk adabiyotshunos olim</b> O'ljaboyev U, Yuldosheva U .....	331
68	<b>Тил ва маданият тушунчаларига илмий ёндашув</b> Убайдуллаев Ш.Н, Баходиров А .....	336
69	<b>Хидватий ижодида ахлоқий-таълимий шеърлар ва уларнинг жанр хусусиятлари</b> Болтабоева О.Ю .....	339
70	<b>Тилшуносликда гапнинг прагматик мазмуни ва унинг контекста ўзгариши</b> Холматова В.Н .....	345
71	<b>Инглиз тилида парентетез бирликларнинг бадиий матндаги структур- семантик хусусиятлари</b> Ибрагимова Г.М .....	351
72	<b>"Она" концепти доирасидаги тушунчалар талқини</b> Ибрагимова М.И, Иргашева Н.Д .....	354
73	<b>Синекдоха асосидаги иборалар</b> Қўчқарова О.А .....	359
74	<b>Жек Лондоннинг «мартин иден» романида бадиий психологизм</b> Қобилова Н.С .....	363
75	<b>Ўзбек насрида Амир Темур образининг бадиий ифодаси хусусида</b> Ғаниев М.А .....	368
76	<b>О синтаксической основе изучения морфологии языка</b> Саидова М.Ш .....	373
77	<b>Инглиз ва ўзбек тилларида перифразаларнинг таснифи</b> Кобилова А.Б .....	378